

## НАВБАТДАГИ АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ.

**АЖ “Ўз-Донг Вон Ко.” ҚҚ.**

***Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказилишини маълум қилади.***

Акциядорлар умумий йиғилиши 2022 йил 30 июн куни соат 15-00да, Андижон вилояти, Асака шаҳри, Фарғона кўчаси, 57-уйда бўлиб ўтади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 30 июн куни соат 14:30 да бошланади.

Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган саналар:

- акциядорларга хабар бериш учун 2022 йил 8 июн;
- йиғилишда иштирок этиш учун 2022 йил 27 июн.

Йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар қўйилган:

1. Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
  2. Умумий йиғилиш санок комиссиясининг таркиби ва сонини тасдиқлаш.
  3. Бош директорнинг жамиятнинг 2021 йилги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
  4. Жамиятнинг 2021 йилги молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги баланс ҳисоботини тасдиқлаш.
  5. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотини тасдиқлаш.
  6. Жамият Кузатув Кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
  7. Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
  8. Жамият Ички аудиторининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
  9. 2021 йил якуни бўйича жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ташқи аудитор хулосасини кўриб чиқиш.
  10. 2022 йилги молиявий фаолияти натижалари бўйича ташқи аудитор ташкилотини ва хизматлари учун унга тўловларнинг максимал миқдорини тасдиқлаш.
  11. 2022-2023 йй учун Кузатув Кенгаши аъзоларини сайлаш.
  12. 2022-2023 йй учун Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
  13. Ижро органи раҳбарини сайлаш.
  14. 2022 йил учун Бизнес режани, СМК (самарадорлик муҳим кўрсаткичлари)ни тасдиқлаш.
  15. «Ижро органи аъзоларини рағбатлантириш ТАРТИБИ» тугрисидаги Низомни тасдиқлаш.
  16. Аффилланган шахслар рўйхати ва улар билан келгусида тузилиш мумкин бўлган битимларни маъқуллаш. (2022-2023 йй. учун)
- Акциядорларнинг умумий йиғилишига қатнашиш учун келадиган вакил белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан келиши сўралади.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши билан боғлиқ ахборот ва маълумотлар ваколатли давлат органининг [www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz) ва жамиятнинг [www.uzdwn.uz](http://www.uzdwn.uz) веб сайтларига жойлаштирилган.

*Изоҳ: Умумий йиғилиш шaroитдан келиб чиққан ҳолда видеоконференцалоқа тарзида ўтказилиши мумкин.*

***“Uz-Dong Won Ko.” QK акциядорлик жамияти  
Кузатув кенгаши.***